ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

# МАНЗАРАЛИ ВА ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ЧАКАНДА *(HIPPOPHAE)*НИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

**Малохат Холмуратовна Хакимова**
Тошкент давлат аграр университети катта ўқитувчиси

**Сайдали Ашурович Турдиев**
Тошкент давлат аграр университети кафедраси доценти

**Лобархон Санджаровна Бабаджанова**
Тошкент давлат аграр университети магистранти

## АННОТАЦИЯ

Мақолада илмий тадқиқотлар натижасида чаканда облепиха (Hippophae)нинг биоэкологияси, тарқалиш ареаллари, турлари ва халқ табобатидаги аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Чаканда меваси, генофондни ўрганиш, каротиноидлар, ареал, олиготроф, микориза, Байкал, халқ табобати.

## ABSTRACT

The article provides detailed information on the bioecology, distribution areas, species and importance of retail hippophae in folk medicine.

**Keywords**: Retail fruit, gene pool study, carotenoids, area, oligotroph, mycorrhiza, Baikal, folk medicine.

## КИРИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

2017 йил 17 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Президентимиз Ш.М.Мирзиёев фармонига биноан олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида: суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш; глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш белгилаб берилган [1].

Шунга кўра хукумат қарорларида аҳоли яшаш худудларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўкаламзорлаштиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири инсон ҳаёти учун соғлом ва тўлақонли эстетик табиий муҳит яратишдир. Бу маънода кўкаламзорлаштириш соҳаси ландшафтли қурилиш ва ландшафт архитектураси билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Дарахт-бута ўсимликлари нафақат хом-ашё ва турли маҳсулотлар манбаи, балки табиий муҳитни яхшиловчи асосий омиллардан биридир. Ўсимлик дунёсининг ҳаётий фаолияти иқлимга ўз таъсирини ўтказади яъни ҳаводаги $CO_2$ ва бошқа зарарли газлар ҳамда тутунни ўзлаштириб нейтраллаштиради, шаҳар ҳавосидаги чанг миқдорини камайтиради, дарахтлар томонидан ажратилган фитонцидлар касаллик қўзғатувчи бактерияларга қирон келтиради.

Бугунги кунда бутун дунёда сув танқислиги юзага келган бир вақтда бизнинг юртимизда ҳам шаҳар кўчаларимизни кўкаламзорлаштиришда қурғоқчиликка чидамли бўлган чаканда (hippophae)нинг ўрни беқиёс.

Қурғоқчиликка самарали натижа бермайди. лекин масалан кўлсойга бугунги кунда суғорилмайди бу дегани лалмикор ерларда яъни тоғ бағрларида маълум миқдордаги ҳаво намлиги юқори бўлган жойларда ҳам ўсиши мумкин лекин ҳосилдорлик камроқ бўлиши кузатилади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Манзарали ва фойдали хусусиятларга эга бўлган Чаканда облепиха (Hippophae)нинг Россияда олиб борилган илмий тадқиқотлар билан Ўзбекистондаги илмий тадқиқотларнинг таҳлили:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

Ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларидан бири – аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ва доривор воситалар билан таъминлаш ҳисобланади. Республикамизда доривор ўсимликшуносликни ривожлантириш, Ўзбекистон флорасидаги истиқболли доривор ўсимликларни маданийлаштириш, уларни саноат плантацияларида ўстиришни йўлга қўйиш фармацевтика саноати хомашё базасини яратади. Ана шундай истиқболли доривор ўсимликлардан бири – жумрутсимон чаканда (облепиха крушиновидная) – Hippophae rhamnoidesh ҳисобланади.

Жийдадошлар (Elaeagnaceae) оиласининг вакилларидан бири чаканда (Hippophae) туркумининг вакиллари кичик дарахт ёки бута ўсимликлар бўлиб, баландлиги 4-6 м, диаметри 15-20 см келади. Туркумга 3 та тур киритилган. Уларнинг барчаси доривор ўсимликлар ҳисобланадилар, яъни уларнинг мева пўстлоғидан ва шарбатидан чаканда мойи олинади.

Туркумнинг асосий тури жумрутсимон чаканда (Hippophae rhamnoides L.) МДҲ флорасида кенг тарқалган. Барглари ингичка ланцетсимон тузилган, навбат билан жойлашади. Барг пластинкасининг юз томони тўқ яшил, орқа томони эса қалин қопланган юлдузсимон тангачалар туфайли кумуш рангда бўлади. Чаканда эрта баҳорда (апрел-май ойларида) барг ёзишдан олдин ёки бир вақтда гуллайди. Гуллари айрим жинсли, икки уйли бўлиб, меваси сохта данакча, резавор, пушти новвоти ёки қизил рангда, сентябр ойида етилади.



**1-расм. Чаканда меваси.**


Чаканда илдизидан бачкилайди, ёғочлашган қаламчалари ёрдамида ва пархиш йўли билан кўпаяди.Унинг ареали нихоятда кенг, МДҲ да Болтиқ бўйи мамлакатларида, Молдавияда, Қора денгиз бўйида, Шимолий Кавказда, Кавказортида, Ғарбий ва Шарқий Сибирда ва Марказий Осиёда учрайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

Ўзбекистонда Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида чаканданинг йирик табиий бутазорлари мавжуд. У дарё, кўл ва денгиз қирғоқларида ўсади. Тоғли районларда денгиз сатҳидан 1000-1500м баландликка кўтарилади. Тўқайзорларда, толзорларда ўсади.

У ёруғсевар, совуққа, ҳавонинг қуруқ келишига чидамли. Ҳар хил тупроқли ерларда ўса олади, лекин энг яхши ўсадиган ери – табиий дренажга эга намлик билан таъминланган дарё ётқизиқлари, аллювиал-қумли-шағалли жойлар ҳисобланади. Унинг серсув мевасини янгилигида ейиш мумкин, таркибида қимматли чаканда мойи (облепиховое масло) ва С витамини бор. Россияда чаканданинг 50 га яқин йирик мевали, серҳосил ва мойга бой навлари яратилган, улар саноат плантацияларида етиштирилади.

Россияда чаканда мевасидан чаканда мойи олишга ихтисослашган бир неча заводлар мавжуд. Республикамизда чакандани генофондини ўрганиш ва кўчатларини етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ишлари энди бошланган.



**2-расм. Европада чаканданинг(Hippophae) тарқалиш ареали**

Чаканданинг ёғочи қаттиқ, мустаҳкам ва жуда пишиқ бўлиб, дурадгорликда ишлатилади. У дарё қирғоқларини мустаҳкам-лашда, манзарали ўсимлик сифатида паркларга экилади, айниқса, кузда меваси етилганда гўзал манзара ҳосил қилади. Дарё ва кўллар қирғоқларидаги кўчма қумлар харакатини тўхтатиш мақсадида экиш мақсадга мувофиқдир.

Тупроқ танламайдиган олиготроф ўсимликлар сафига киради, унумсиз ерларда ҳам бемалол ўсаверадилар, чунки уларнинг илдиз тизимида ҳаводаги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

азотни ўзлаштирувчи тугунакли бактериялар бўлади. Тупроғи оз, тошлоқ, қум-шағал ёки тоғ жинслари сочилиб ётган жойларда ҳам ўса олади [4-5].

Экиннинг асосий қимматли хусусияти мева шарбати ва уруғларида чаканда мойи (облепиховое масло) мавжудлиги бўлиб, унинг миқдори 8 фоизгача етади. Бундан ташқари мевасида С, Е, В1, В2, витаминлари, каротин, фолий кислотаси, флавоноидлар, органик кислоталар учрайди. Мойи ҳам ўз навбатида Е ва F витаминларига ва каротиноидларга бой. Мойи радиоактив нурлар таъсирида зарарланган тери, ошқозон-ичак, меъда шиллиқ қаватлари, ошқозон-ичак яраси ва гинекологик касалликларни даволашда тенги йўқ доривор воситадир.

Республикамизда чаканда кам ўрганилган ва ишлаб чиқаришда деярли фойдаланилмаётган ўсимлик ҳисобланади. Бунинг сабаби, унинг кўчатларини ўстириш ва саноат плантацияларида етиштириш агротехникасини йўқлигидир. МДҲ мамлакатларида, айниқса, Россиянинг Олтой ўлкасида чакандани плантация усулда етиштириш иқтисодий самарали тадбир эканлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда чаканданинг табиий бутазорлари Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган. У 150 км узунликда бўлиб, 1000 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Дарё ҳавзасидаги экологик шароитлар турли-туманлиги, дарёнинг тоғ, тоғолди, текислик қисмларида чаканданинг генетик биохилма-хиллигини келтириб чиқарган.

Чаканда экологик пластик ўсимлик сифатида дарё ўзанида юзага келган қумли-шағалли оролларни биринчилар қатори ўзлаштиради, ёнлама илдизлари орқали янги ўсимликларни юзага келтиради ва янги майдонларни тез эгаллаб олади. Типик тўқай ўсимлиги сифатида қумли, шағалли, қумоқ аллювиал ётқизиқларда, доимо намлик етарли тупроқларда ўсишга мослашган. Илдизида тупроқ ҳавосидан азотни ўзлаштирувчи тугунакли бактериялар мавжудлиги (микориза) чакандани унумдорлиги паст тупроқларда, қумли-шағалли субстратларда ҳам бемалол ўсиб, ҳосил беришини таъминлайди.

Зарафшон дарёси ҳавзасидаги чакандазорлар тадқиқи меваси катта-кичиклиги, ранги ва биокимёвий таркибига кўра, турлича эканлигини кўрсатди. Асосан майда мевали чаканда кенг тарқалган, уларнинг резавор мевалари шарсимон-думалоқ, 5,7 мм диаметрга эга. 100 дона мевасининг оғирлиги 9,5 граммга тенг. Уруғи ҳам майда: узунлиги 4–5, йўғонлиги 2,5–3,5 мм, шаклига кўра, чўзинчоқ, овалсимон, жигар рангда. 1000 та уруғининг оғирлиги 7,7 граммга тенг.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

## НАТИЖАЛАР

Республикамиздаги ушбу ягона чакандазорнинг генетик ресурсларини ўрганиш натижасида йирик мевали, кам тиканли, серҳосил ва оловранг мевали уруғчи буталардан 10 та истиқболли шакллар танлаб олинди. Танлашда қизғиш-оловрангли меваси бор буталарга кўпроқ эътибор қаратилди, чунки қизғиш рангли мева каротиноидларга бой ҳисобланади. Танланган шакллар орасида Зарафшон–3 шакли (100 дона мевасининг оғирлиги 15,2 г), Қорадарё–8 шакли (14,2 г), ва Қорадарё–9 шакли (14,8 г) йирик мевалари билан ажралиб туради.

Чаканда меваси новдаларни буткул қоплаб олади, шингилида 10–28 тагача резавор мевалар шаклланади. Ушбу шакллардан келгусида селекция мақсадларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чакандани доривор ва мевали ўсимлик сифатида кўпайтиришда оналик бутадан қимматли хўжалик-биологик белгиларига кўра, фарқ қилмайдиган генетик бир хил кўчатлар етиштириш, фақатгина вегетатив усул орқали амалга оширилади. Бунинг учун 25–30 см узунликдаги ёғочлашган новда қаламчалари баҳорда ўсимлик уйғонмасдан, февралнинг 20–25 кунларида тайёрланади ва олдиндан тайёрланган эгатларга экилади ва тез-тез суғорилади. Ўз илдизига эга кўчатлар 1 йилда стандарт кўчатлар ҳолатига келади [11].

Чаканда – ҳар хил жинсли, икки уйли ўсимлик, урғочи ва эркак гуллари ҳар хил ўсимликларда шаклланади. Ф.Д.Қобулова маълумотларига биноан, эркак ўсимликлари учинчи йилда ривожланиб, кўртаклар катталиги ва ўсимликларнинг баландлиги бўйича урғочи ўсимликлардан фарқ қилади: эркак ўсимлик урғочи ўсимликлардан 30 см баланд бўлади. Урғочи ўсимликларда вегетасия охирида новдаларнинг миқдори 75 тенг бўлади, эркак ўсимликларда эса – 83. Учинчи йилда чаканда гуллайди. Эркак ўсимликлари урғочи ўсимликларга нисбатан олдинроқ гуллаб, гуллаши бир неча кун кўпроқ давом этади. Эркак ўсимликларда гуллаш пайтида новдаларнинг ўсиш кузатилмайди ва барглар умуман кўринмайди. Бу даврда урғочи ўсимликларда барглар ривожлана бошлайди.

Чаканда меваси ширали бўлади. Чаканда қулай шароитларда катта тоза чакандазорларни ҳосил қилади. Бу чакандазорларнинг марказида битта асосий бута жойлашиб, атрофида ҳамма томонга қараб, баландлиги пастроқ бўлган буталар жойлашади. Кўпгина пайтларда чакандазорлар бир жинсли бўлади, аралаш ҳолатда ҳам учраши мумкин, бунндай жойлашиш урғочи ўсимликларни чангланишига қулай бўлади. Байкал шароитида 34-36 ёшли эркак ўсимликлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

учраганлиги аниқланган. Тункин водийсида чаканданинг паст бўйли шакллари тарқалганлиги аниқланган, уларнинг баландлиги 120-140 см тенг бўлиб, ҳаёти 10-12 йилни ташкил этади. Эркак ўсимликлари урғочи ўсимликларга нисбатан 5 йил кўпроқ яшайдилар. Ҳар хил ташқи шароит таъсирида ва узоқ мослашиш натижасида чаканданинг иқлим типлари шаклланган, улар бир-биридан морфологик белгилар билан фарқ қилади. Н.Н.Яковлев-Сибиряк биринчи бўлиб, чаканданинг 4 бўлган: сибир, қозоғистон, ўзбекистон, кавказ типлари. У.Роуси эса чаканданинг классификасиясини тузиб, унинг 9 тури борлигини кўрсатган, уларга қуйидагилар киради: дарёолди, жумрацимон, карпат, кавказ, туркистон, монгол, хитой, юннан, джангзен .Ж.И.Гатин учта турга бўлган : алтай, саян, тян-шан.

Самарқанд вилоятида тарқалган чаканда тян-шан ёки узбекистон типига киради. Жумрацимон чаканда – ёввойи мевали ўсимликлар қаторига кириб, жуда ҳам кенг қўлланилади. Биринчи бўлиб, бу ўсимликни Феофраст, Диоскорид ва Плинийлар ишларида келтирилган. Бу ўсимликнинг илмий номи Ҳиппопҳаэ рҳамноидес грекча сўзлардан келиб чиққан, масалан ҳиппос (от), пҳаэ (ялтироқ). Бу ўсимлик кенг ветеринарияда ишлатилган, греклар бу ўсимликни баргларини ва ёш новдаларини отларни озиқланишида ишлатганлар. Отлар чаканда таъсирида тезда соғлом бўлган.

Чаканда мевалари Сибирда қадим замонлардан бери ишлатилган. П.С.Паллас XVIII асрда чаканда мевасини тасвирлаб, унинг нордонлиги ҳақида ёзган. Чаканда меваларини аҳоли кўп микдорда истеъмол қилиб, улардан желе, варене ва бошқа маҳсулотлар тайёрлайдилар.

XIX асрда чакандани яхланган ҳолатда истеъмол қилганлар. Нордонлигини пасайтириш учун унга шакар қўшилган ва кисел, варене, пастила, вино тайёрлаганлар. Чаканда мевалари Монголияда ҳам кенг қўлланилади. Бу ерда чаканда меваларидан озиқа маҳсулотлар ва чаканда ёғи тайёрланади. Чаканда меваларини Сибир халқи ҳам кенг ишлатади. Меваларидан кисел, варене ва бошқа маҳсулотлар тайёрлайдилар. Чаканда яшил-кумуш рангли барглари ва чиройли рангли мевалари орқали манзарали ўсимлик бўлиб ҳисобланади. Чаканда мевалари узоқ вақт мобайнида дарахтларда сақланганлиги сабабли манзарали боғдорчиликда ҳам қўлланилади. Чаканда тирик девор бўлиб ҳам ишлатилади. Ёғочидан кўпгина майда қурилиш материаллар тайёрланади. Чаканданинг ёғочи қаттиқ, чиройли бўлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

Чаканданинг ёш барглар ва новдаларидан қорамтир бўёқлар тайёрланади. Чаканда меваларининг нейтрал сувли эритмасидан бўёқлар тайёрланади, улар газмолларни сариқ ва яшил рангларга бўяйди.Чаканда қадим замонлардан шифобахш ўсимлик сифатида ишлатилади.

Греция, Хитой, Рим, Монголия қадимги халқ табобатида чаканда ўпка, жигар, ошқозон, суяк касалликларида ишлатилган. Сибир шароитида чакандадан дизентерия, тери касалликлари, ревматизмга қарши шифобахш моддалар тайёрлаганлар. Кўпгина кадимий тиббий асарларда чаканда ўпка касалликларга қарши ишлатилган. Бундан ташкари чаканда препаратлари организмларда қон ҳаракатланишига ёрдам беради, мевалари томоқ касалликларини йўқотишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда чаканданинг шифобахш хусусиятлари катта аҳамият берилмокда, шунинг учун меваларининг кимёвий таркиби турлича ўрганилаяпти. Чаканда – кам калорияли ўсимлик бўлиб ҳисобланади, унинг 100 грамм меваси 30 калория ажратади. Мевларининг нордонлиги 1,3 то 2,7% гача бўлади. Чаканда меваларида олма, щавел, янтар кислоталар учрайди, улар юқори физиологик фаолликга эга. Чаканданинг кўпгина ўрганган навларида шаҳар миқдори паст бўлиб – 3-6% ташкил этади. Чаканда меваларининг шифобахш хусусиятлари уларнинг таркибига ёғ бўлиши билан боғлиқ. Чаканда ёғи таркибида кўп витаминлар ва бошқа биологик фаол моддалар топилган. Уларнинг микдори 1 то 18% бўлади. Чаканда ёғида витаминлардан Е, К, провитамин А ҳал бўлади, ёғ қолдиқлари таркибида стеарин табиатидаги моддалар топилган – ситостерин, фосфолипидлар, холинлар, каротин ва бошқалар. Чаканда таркибида кўп микдорда витамин Е учрайди. Чаканданинг мева ширбатида витаминлардан А, С, В1, В2, В6, Е, К, Р учрайди. Аскорбин кислотанинг микдори 37-268 мг/100 г мевада учрайди. Чаканда меваларининг таркибида аминокислоталар ҳам учрайди, масалан, аланин, фенилаланин, глутамин, систеин, лейсин, лизин, аргинин, серин, валин ва бошқалар. Бундан ташқари меваларда эфир ёғлар, микро-ва макроэлементлар ҳам учрайди. Чаканда мевалари таркибида 15 микроэлементлар топилган, улар темир, магний, марганес, мис, бор, олтингугурт, хлор, алюминий, кремний ва бошқалар. Бундан ташқари меваларнинг таркибида 8% ёғ топилган, шу туфайли у жуда яхши иммуномодулятор ва иммунопротектор бўлиб ҳисобланади.

Чаканданинг барглари ва пўстлоғи ҳам шифобахш бўлади. Чаканда баргларининг таркибида аскорбин кислота ва каротиноидлар, Р-фаол моддалар учрайди. Скелет новдаларининг пўстлоғида серотонин алкалоиди топилган, бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

алкалоид асаб системасини фаолиятида катта аҳамиятга эга. Серотонин шишиклар фаолиятини тўхтатиши мумкин. Шундай қилиб, чаканда организмнинг табиий маҳсулотларига ўхшаб хилма-хил фармакологик таъсирга эга. Биологик фаол моддалар орқали чаканда эффектив шифобахш ўсимлик бўлиб ишлатилади. Чаканда ёғи кўпгина касалликларга қарши ишлатилади, масаслан ошқозон касаликлари, экзема, эрозия, гайморитлар, шишиклар, атеросклероз, авитаминозларда. Чаканда ёғининг шифобахш таъсирини кўп олимлар ўрганган. Бу ёғ кучли регенератив хусусиятга эга бўлиб, ҳужайраларни шишиклардан ҳимоя қилади ва антирадиант ҳисобланади. Чаканда таркибида бета-каротинни (провитамин А) бўлиши одам эмбрионини ривожланишига ёрдам беради, ҳомиладорлик яхши ўтиб, одамнинг умумий ҳолати ва ўсиш яхши даражада бўлади. Чаканда юқумли касалликларга ҳам қарши ишлатилади. Оғир жарроҳлик операциялардан сўнг тезда яраларни тузатади, қон томирларини эластик ҳолатга келтиради.

Токоферол моддасини етарли микдорда бўлиши юракнинг нормал ҳолатга келтиради. Чаканда маҳсулотларини профилактик жиҳатдан исте’мол қилиши одамларнинг соғлом бўлишига келтиради.

Россияда шифобахш ва ароматик ўсимликлар институтида янги антивирус дори ишлаб чиқилган, у чаканда баргларидан тайёрланган, унинг номи - гипорамин. Бу дори микробларга, герпес, аденовирус, патоген замбуруғлар ва бактерияларга қарши ишлатилади. Чаканда парфюмер саноатида ҳам ишлатилади, ундан шампунлар, косметик кремлар, тери тозаловчилари, соч учун бўёқлар тайёрлайдилар. Чакандани ўрмончиликда ҳам катта аҳамияти бор. Бу ўсимлик илдизлари ёрдамида тез кўпайиб тупроқ эрозиясига қарши ишлатилади ва рекултивасияда катта аҳамияти бор.

## МУҲОКАМА

Шундай қилиб буғунги кунда чакандани кўп соҳаларда ишлатадилар уни XXI асрнинг ўсимлиги деб ҳисоблайдилар. Чакандани кўп мамлакатларда ўрганадилар. Охирги йилларда МДҲ мамлакатларида, Хитойда, Монголияда катта саноат плантациялар ташкил этганлар. Кўпчилик илмий ишлар Алтайда, Сибир боғдорчилик институтида, Нижни новгород селхозакадемиясининг ботаника кафедрасида ўтказилмоқда.

Хитойликлар учун чаканда стратегик ўсимлик бўлиб ҳисобланади. Бу ўсимлик орқали экологик ҳолат яхшиланади, сув ва шамол эрозияси билан кураш ўтказиш мумкинлиги аниқланган. Хитой шароитида кўпгина унумли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

тупроқлар ювилиб кетмокда. Бунинг натижасида кўпгина тупроқлар фойдаланишдан чиқади. Шунинг учун чаканда орқали, унинг биологик хусусиятлари билан фойдаланиб бу муаамоларни ечиш мумкинлиги аниқланган. Чакандадан 250 тадан кўпроқ ҳар хил озиқали, доривор ва косметик маҳсулотлар тайёрланади.

Ўзбекистонда бу ўсимлик кўпгина майдонларни эгаллаган ва асосан Зарафшон водийсида тарқалган. Бу ерда бу ўсимликнинг ҳар хил шакллари ва биологик хусусиятлари ўрганилмоқда. Лекин охирги пайтда антропоген омил таъсирида ёввойи чакандазорларнинг майдонлари қисқартирилмоқда. Бу асосан табиий чакандазорларнинг нотўғри ишлатилиши, дарахтларни кесилиши, ўрмонларни ҳимоя қилмаслик натижасида рўй беради.

Кимиёвий таркиби. Мева таркибида 450 % витамин С, 0,035 мг % вит. Б1, 0,056 мг % вит. Б2, 145 мг % вит. Е, 60 мг % каротин, 0,79 мг % фолат кислота, 9 % гача ёғ (меванинг юмшоқ қисмида) органик кислоталар ва бошқа моддалар бор.Уруғи таркибида 12,5 % ёғ, 0,28 мг % вит. Б1, 0,38 мг % вит. Б2, 14,3 мг % вит. Е, 0,3 мг % каротин бор.(Бекназар Ўралов) Чаканда мойи ярим қурийдиган, тўқ сариқ рангли, таркибида 180-300 мг % каротиноидлар (шу жумладан 40 - 100 мг % каротин), 110 - 165 мг % витамин Е ва П бўлади. Чаканда мойи - бу сувсизлантирилган мевани кунгабоқар ёғи билан экстракция қилиб олинган препаратдир. Препарат таркибида каротиноидлар 180 - 200 мг % бўлиши керак [12].

Чаканда (облепиха) ёғи тиббиётда жуда қадрли. Тери касалликларида ёки шиллиқ пардалар жароҳатланганда чаканда ёғи суртилади.

Гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасида: 21-28 кун давомида овқатланишдан 18-20 дақиқа олдин 1 чой қошиқ чаканда ёғи ичилади. Агар ёғ ичгандан сўнг жиғилдон қайнаса, ёғни газланмаган минерал сув билан ичиш тавсия қилинади. 1-2-даражали куйиш, совқотиш, ётоқ яраси, узоқ битмайдиган яра, чипқон ва теринг бошқа жароҳатларида: ҳар куни жароҳат жойини тозалаб, чаканда ёғи томизинг ва дока билан боғланг. Чаканда ёғини эрталаб ва кечқурун овқатланишдан 15-20 дақиқа аввал 1 чой қошиқдан ичиш ҳам фойдали. Оғиз четлари ёрилганда: лабга чаканда ёғи суртинг.

Тонзиллит, фарингит, ларингитда: 7-8 кун мобайнида кунига 2 маҳал пахта ўралган чўпчалар ёрдамида оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, бодомсимон безларга чаканда ёғи суртиш керак. Шу билан бирга, қайнаган сувга бир неча томчи чаканда ёғи томизиб, сув буғидан нафас олиш (ингаляция қилиш) зарур.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

Юқорида келтириб ўтилган касалликларда чаканда ёғини эрталаб ва кечқурун, овқатланишдан 15-20 дақиқа аввал 1 чой қошиқдан ичиш тавсия қилинади.

Бавосилда: 2 ҳафта мобайнида махсус чаканда ёғи шамчалари (свеча) қўйиш фойдали. Шунингдек, кунига 1 чой қошиқдан чаканда ёғи ичилади.

Мумкин эмас: жигар, ўт пуфаги ва ошқозон ости бези касалликлари (тош, панкреатит, холецистит) ва ич кетишида чаканда ёғи ичиш тавсия этилмайди. Терига суртганда ачишиш ва турли аллергик реакциялар содир бўлиши ҳам мумкин [7].

Энг асоси витамин А га бойдир. Витамин А , С , Е, -ларга жуда куп бу облепеха мевасининг ёгида. Витамин С одамни терини таранг килиб ажинларни йук килишга ёрдам берса, витамин Е терини каришга йул куймасдан ёшартирар экан. Юз териси учун хам облепиха ёги жуда фойдали томонлари куп: Масалан; агар юзингизда ажин булса, биринчи карилик юз бериш. Юздаги доғлар, сепкиллар, хусунбузарларни йук килишга ёрдам беради. Курук терилари учун хам жуда фойдаси яхши. Кўзингиз оғриса шифокор маслахати билан 2-томчисини кўз тагига суртиб юрсангиз оғригини қолдириб тузатади. Холестирини танангиздан камайтириб озишга ёрдам беради. Семиришни олдини олади. Сочингизни тўкилишига фойдаси бор, казғокни йўқотишга ёрдам беради. Ичингиз қотса ҳам фойдаси бор, бир икки қошиқчада ичиб юборсангиз ични тозалаб чиқади. Эркаклар учун хам жуда фойдали томонлари бор. Буқоқ касалигига ҳам яхши. Шифокор маслаҳати билан ишлатиш тавсия этилади [8].

## ХУЛОСА

Россияда илмий ишлар натижасида 50 яқин ҳар хил навлар яратилган. Ҳозирги кунда улар ҳар хил чет мамлакатлар билан ҳамкорликда генетико-селексион ишлар олиб бормокдалар. Россиядан тажрибани орттириб, хитойликлар чакандани жуда катта майдонларда ўстирмоқдалар.

Чаканданинг фойдали хусусиятлари қадимги Грецияда бу мевага қизиқ ном беришган: «ялтироқ от» – ҳатто энг нимжон жониворлар ҳам чакандадан истеъмол қилгандан сўнг, соғлом ва бақувват бўлиб, уларнинг териси эса ялтирашни бошлаган.

Чаканда ер шаридаги энг фойдали резавор мевалардан бири бўлиб, у сизга қуйидаги касаллилларга фойдаси тегади:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

Шамоллаш ва вирусларга қарши курашади: у ўзида кўп миқдорда С витаминини сақлаб, қизил булғор қалампири ва на'матакдан сўнг, у учинчи ўринда туради. К гуруҳ витамини борлиги сабаб, моддалар алмашинувини бошқаради. Қон таркибини яхшилаб, унинг қуюлишини олдини олади. Тери, тирноқ ва соч сифатини яхшилайди, холецерин миқдорини камайтиради, шакар миқдорини камайтиради. Томирларнинг чўзилувчанлигини оширади, йўталдан халос этади, бундан ташқари чаканда ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак касалликларида ҳам жуда фойдали ҳисобланар экан.

Чаканданинг зарарли томонлари афсуски бу кони фойда меванинг айрим зарарли томонлари ҳам қайд этилган экан. Уни буйрак ва ўт пуфагида тоши бор беморларга истеъмол қилиш тавсия этилмайди [9].

Rasayana «Облепиха» (чаканда) қўл меҳнати ёрдамида тайёрланган табиий совунлар ишлаб чиқарилмоқда. Терингизни ёш ва чиройли сақланишини таъминлайди. Совун кундалик фойдаланиш учун мўлжалланган. Облепиханинг (чаканда) хусусиятлари бизга II асрдан буён маълум. Ўша вақтларда қадимги Юнонистонда яродор жангчилар ва отларни даволашда чакандадан (облепиха) фойдаланишган. Чаканда (облепиха) меваси аминокислоталарга, моно ва кўп тўйинмаган кислоталарга бой, бир қатор макро ва микроэлементлар (калций, магний, марганец, темир, кремний ва бошқалар) мавжуд [10].

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 17 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг харакатлар стратегияси тўғрисида" фармони
2. А. Мухамеджанов, Э.Бердиев, Манзарали дарахт-бута ўсимликлар (тавсифи, кўпайтириш, парваришлаш, шакл бериш) Тошкент 2018.
3. Вильданова К.Д. Декоративные кустарники, – Ташкент. Типография "Шарқ", 2006. – 45с.
4. Қайимов А.Қ., Бердиев Э.Т. Дендрология (Дарслик). – Тошкент, "Чўлпон" ижодий-матбаа уйи, 2012.–256 б.
5. А.Қ. Қайимов, Э.Т. Бердиев, Ҳ.Ф.Ҳамроев, С.А.Турдиев, Дендрология амалий машғулотлар учун дарслик, Тошкент 2015, 39-48-256 бетлар.
6. https://www.dissercat.com/
7. http://darakchi.uz/uz/35252
8. ... https://ok.ru/aellarkasa/topic/66559651397797

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-254-266

9. https://zira.uz/uz/2018/10/04/chakanda-to-g-risida-qiziqarli-ma-lumotlar/
10. https://www.facebook.com/Ayurvedauz/posts/1831191973610968
11. https://agro.uz/uz/services/useful/4313/
12. https://uz.wikipedia.org/wiki/Chakanda